

17 ноябрдаги жума тезисга ИЛОВА

Мухтарам азизлар! Куни кеча давлатимиз Раҳбари раислигида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларпрафиликтикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиларган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда ҳар бир маҳалланинг жиноятчиликда холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб масалалар белгилаб берилди. Ҳар бир фуқаро **“Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”** деган туйғу билан яшаши ғоят муҳим эканлиги таъкидланди.

Барчамиз яхши биламизки, ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Шундай экан, асосий эътиборни ҳуқуқбузарликни оқибатлари билан курашишга эмас, балки, барвақт унинг олдини олиш ва ўз вақтида бартараф этишга қаратишимиз зарур бўлади.

Кейинги вақтларда коллеж ва мактаб ўқувчилари ўртасида содир этилаётган жиноятлар ташвиш ўйғотмоқда. Қайд этилишича, биттагина Тошкент шаҳрида ўтказилган рейдлар давомида **22 нафар ўқувчидан ўтқир тигли қурол** топилган.

Жамиятдаги инсонларнинг ўзаро бир-бирларидаги ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятларини астойдил адо этиб, жорий бўлган маълум қонун-қоидаларга риоя қилиб яшашлари ижтимоий адолатнинг қарор топишида муҳим ўрин тутаяди. Ислоҳ динимизда жамиятдаги ҳар бир кишининг ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг миллати ва эътиқодидан қатъий назар аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Жумладан Аллоҳ таоло Ўз каломи шарифида айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ...
(سورة النساء/29)

яъни: **“Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бўлса, у бундан мустасно”** (Нисо сураси, 29-оят). Демак, ушбу ояти каримадан маълум бўладики, модомики инсонлар бир бирининг молини ўзларига ҳаром эканлигини билмас экан, жамиятдаги жиноятлар содир этилаверади.

Яна бир оятда Аллоҳ таоло марҳамат қиладики,

يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ

яъни: **«Эй, пайғамбарлар! Пок (таом)лардан тановул қилингиз ва эзгу (иш) қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишларингизни билувчидирман”** (Муъминун сураси, 51-оят). Шундай экан ҳар бир ота-она ҳалол меҳнат қилиб фарзандларига егизмоқлиги вожиб бўлади. Бу эса фарзандларини келажакда солиҳ ва соғлом бўлишига асосдир.

Шунингдек, жамиятдаги бузғунчилик ва бировнинг ҳаққидан ҳазар қилиш тўғрисида огоҳликка чақириб Раббимиз шундай дейди:

فَأَوْفُوا الْكَيْلَ وَالْمِيزَانَ وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا... (سورة الأعراف/85)

яъни: **“Бас, ўлчов ва тарозини тўла-тўкис ўлчангиз, одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва яроқли қилиб қўйилгандан сўнг Ерда бузғунчилик қилмангиз!”** (Аъроф сураси, 85-оят).

Динимизда жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишидан қатъий қайтарилган.

Мухтарам имом-домла! Ўтган 10 ноябрь тезисдаги ИЛОВАнинг мазмунини яна бир қарра жамоатга эслатишингиз сўралади.